

УДК 336.276

*Санакурова Барногул Ризакуловна,  
Иқтисод фанлари доктори, Профессор,  
Тошкент молия институти  
[barnogul81@mail.ru](mailto:barnogul81@mail.ru)*

*Жамолов Мирзабек Миржалил ўғли,  
Катта илмий ҳодим  
Прогнозлашириши ва макроиктисодий  
тадқиқотлар институти  
[mirzabekjamalov@gmail.com](mailto:mirzabekjamalov@gmail.com)*

## ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ (ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ)

**Аннотация:** Мақолада айрим мамлакатларининг давлат ташқи қарзлари ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинган. Япония ва АҚШ мисолида давлат қарзини бошқариш тажрибаси кўриб чиқилади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида давлат қарзини бошқаришда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини тадбиқ қилиш имкониятлари кўриб чиқилади.

**Калим сўзлар:** давлат қарзи, давлат қарзни бошқарши, ташқи қарз, тартибга солиш воситалари ва усуллари.

**Аннотация:** В статье анализируются состояние и динамика государственного внешнего долга некоторых стран. Рассмотрен опыт управления государственным долгом на примере Японии и США. По результатам исследования рассматривается возможность применения положительного опыта зарубежных стран по управлению государственным долгом в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** государственный долг, управление государственным долгом, внешний долг, инструменты и методы регулирования.

**Abstract:** The paper analyzes the state and dynamics of public external debt of some countries. The experience of public debt management on the example of Japan and the USA is considered. Based on the results of the study the possibility of applying the positive experience of foreign countries on public debt management in the Republic of Uzbekistan is considered.

**Key words:** public debt, public debt management, external debt, instruments and methods of regulation.

### Кириш

Жаҳондаги глобал ўзгаришлар натижасида очиқ иқтисодий сиёсатни тарғиб қилаётган ривожланаётган давлатларнинг ташки қарз сиёсатини тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Давлатларнинг катта микдордаги қарзи фискал барқарорлик ва давлат мажбуриятларининг тўпланишини ҳамда молия бозорлари ва реал иқтисодий кўрсаткичларга таъсири ҳақидаги мунозараларни яна бир бор кучайтирди. Давлат ташқи қарзини бошқариш давлатнинг молиявий-иктисодий сиёсатининг йўналишларидан бири бўлиб, унинг қарз олувчи сифатидаги фаолияти билан боғлиқ. Бу молиявий чора-тадбирлар тизими кредитлар бўйича қарзни тўлаш, шунингдек ушбу кредитлар бўйича даромадларни тўлаш, кредитлар бериш шартлари ва шартларини ўзгартириш, янги қарз мажбуриятларини бериш давлат томонидан амалга оширилади.

Биринчидан, ташки қарз, айникса ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатларини молиялаширишнинг асосий воситасидир. Ташки қарзни самараали бошқармаслик молиявий инқирозларга, шу жумладан дефолт ва давлат банкротлигига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, давлатнинг ташки қарзини бошқариш ташки иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, қарзлар таркибини танлаш ва оптималлаштириш, рискларни бошқариш, кредиторлар билан ўзаро муносабатлар ва бошқа кўплаб вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олган мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Учинчидан, глобаллашув ва халқаро савдо ва молиянинг жадал ривожланиши шароитида ташки қарзларни бошқариш тобора мураккаблашиб бормоқда ва кўплаб омилларни, шу жумладан жаҳон иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар, валюта курсларининг ўзгариши, молиявий инқирозлар ва бошқаларни ҳисобга олишни талаб қиласди.

Умумий олганда, ҳозирда кўплаб мамлакатлар COVID-19 пандемияси ва унга боғлиқ бўлган иқтисодий оқибатлар туфайли ташки қарзининг кескин ўсишига дуч келиб бўлган. Бу эса қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради ва ташки қарзни бошқариш вазифасини янада мураккаблаштиради.

Шу муносабат билан давлатнинг ташки қарзини бошқариш усувлари ва воситаларини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва давлатнинг молиявий барқарорлиги учун амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб ва муҳим мавзу ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигига иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида давлатнинг ташки қарзи камайтирилишига эришилаётганини таъкидлади. Қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида жалб қилинадиган давлат қарзининг максимал миқдори ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 60 фоизидан ошмаслиги ва макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада қолиши керак. Давлат қарзи 50 фоизга етганда, ҳукуматнинг маҳсус чоратадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Яъни давлат қарзи 50 фоиздан кам миқдорда ушлаб турилиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан қарз маблағларини жалб қилишда консерватив ёндашувга ва хатарларни бошқариш тамойилларига амал қиласди. Бугунги кунда давлат ташки қарзи қолдигининг асосий фоиз қисми давлат бюджети ҳисобидан эмас, балки инвестицион лойиҳаларга жалб қилинган маблағларни ташкил этиб, ушбу қарздорлик лойиҳаларни амалга оширишдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Хозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинаётган ташки қврзлар динамиками ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 60 фоизига яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак жалб қилинаётган ташки қарзларнинг молиявий назорат механизmlарини такомиллаштириш чора тадбирларини амалга ошириш мақсадга муофиқ бўлади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ж.М.Кейнснинг илгари сурган назарияси бўйича давлатлар бозор иқтисодиётига тегишли инструментлар орқали кўрсатиши таъкидлаб ўтган. Ушбу инструментлардан бири давлатнинг ташки қарз сиёсатидир. Албатда давлат ўзининг иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳамда тўрғунликдан чиқищдаги асосий йўллардан бири сифатида ташки қарзларни жалб қилишни ва ялпи талабни рағбатлантириш лозимлигини таъкидлаган.

Умуман олганда, давлат қарзининг юқори даражада ўсиши келажақдаги солиқ юкининг ўсишига ёки юқори инфляцияни келтириб чиқаради, бу эса келажақда потенциал ўсишни камайтиради.

Шу билан бирга, юқори давлат ташки қарзи фискал сиёсатнинг тескари фаолиятига сабаб бўлади, натижада юқори ўзгарувчан ва паст иқтисодий ўсишга олиб келади (Aghion va Kharroubi, 2007; Woo, 2009).

Суверен қарз инқирози эса банк ёки валюта инқирозини келтириб чиқарадиган даражада иқтисодий ўсишга таъсир қиласди (Burnside, Eichenbaum va Rebelo, 2001; Hemming, Kell va Schimmelpennig, 2003). Қарз юкининг иқтисодиётнинг барқарор ҳолатдаги мувозанатига таъсири тўғридан-тўғри таъсир деб аталади.

Levine (2005) таъкидлаганидек, ривожланган молиявий бозорлар жамғармалар-инвестицияларни тақсимлашни яхшилаш орқали иқтисодий ўсишни кучайтиради. Молиявий бозорлар учун яна бир потенциал рол давлат қарзининг ўсишга салбий

таъсирини юмшатишидир. Хукумат қарзни молиялаштириши керак ва бу солиқларни ошириш ёки янги қарз жалб қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мавжуд даврда фаол молиявий бозорлар давлат қарзини қайта молиялаштириш ҳисобига фискал тузатишда муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий очиқлик - бу иқтисодий ўсишнинг ҳамда очик иқтисодиётнинг асосий сиёсатидир (Alfaro va boshq., 2004; Bonfiglioli, 2008; Kose, Prasad va Terrones, 2009; Calderon va Fuentes, 2012).

Ривожланаётган халқаро молиявий интеграция пастроқ фоиз ставкасида инвестициялар учун қўшимча молиялаштиришни таъминлайди ва тўғридантўғри хорижий инвестицияларни жалб қиласди, бу эса иқтисодий ўсиш учун фойдалари ҳисобланади (Borenzteyn, De Gregorio va Li, 1998).


### Тадқиқот методологияси

Мақолада давлат қарзининг назарий ва услубий асослари ўрганилган, шунингдек, қиёсий, таркибий ва солиштирма таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия визирлиги расмий маълумотлари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди маълумотларидан, шу билан бирга бошқа турли расмий интернет сайтларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш усулидан фойдаланилган. Хорижий давлатлар қарз сиёсати ва маълумотлари хамда давлатимиз қарзи маълумотлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, илмий мушохада, қиёсий таҳлил усуllibаридан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар

Дунёning айрим мамлакатларининг давлат ташқи қарзлари тўғрисидаги статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, хозирги глобаллашув шароитида деярли барча мамлакатлар давлат ташқи қарзига эга. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, 2022 йилга келиб глобал қарз рекорд \$226 трлн. га етди, бу глобал ЯИМнинг 256% ни ташкил этади<sup>1</sup>. Халқаро валюта фонди раҳбари таъкидлаганидек, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлат қарзининг кўрсаткичи иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даражада ва ривожланаётган мамлакатларнинг давлат қарзи эса 1980-йиллардаги инқироз даврида шундай даражада кузатилган.

Мамлакатлар орасида энг йирик қарз олувчилар, 2022- йил 2 чорак маълумотларига кўра, АҚШ (24 триллион доллар), Буюк Британия (8,6 триллион доллар), Франция (6,9 триллион доллар), Германия (6,4 триллион доллар) ва Япония (4,3 триллион доллар) бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда дунёning айрим мамлакатлари (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой) давлат ташқи қарзи ўсишда давом этмоқда (1-жадвал).




1-расм-Дунё мамлакатларининг ташқи қарзи (трлн \$)<sup>2</sup>

<sup>1</sup> <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2021/12/15/blog-global-debt-reaches-a-record-226-trillion>

<sup>22</sup> <https://svspb.net/danmark/vneshnjij-dolg-stran.php>

Умуман олганда, давлат ташқи қарзи миллий иқтисодиёт хавфсизлигига таҳдид солиши мүмкін, деб ҳисобланади, аммо бюджет харажатларини қоплаш учун қарз механизмини шакллантириш Ўзбекистон учун ҳам, бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам одатий амалиёт ҳисобланади.



**2-расм-Дунё мамлакатларининг ташқи қарзининг ЯХМ га нисбатан улуши (%)<sup>1</sup>**

Масалан, Япониянинг давлат қарзларини бошқариш давлат молиясини бошқариш учун маблағларнинг изчил ва барқарор жалб қилинишини таъминлашга, шунингдек солик тўловчиларга тушадиган юкни енгиллаштириш учун ўрта ва узок муддатли молиялаштириш харажатларини чеклашга қаратилган. Япония қарз воситалари бозорида давлат облигациялари қўлланилади, улар қўлланилиш максадларига кўра уч тоифага бўлинади:

1. Келажакдаги даромадлар учун облигациялар - улар давлат харажатлари эҳтиёжларини қоплаш учун маблағларни жалб қилиш учун чиқарилади;

2. ссуда облигациялари - уларнинг чиқарилиши оддий ва маҳсус хисоб варақаларда маҳсус асослар бўйича вақтингачалик маблағларнинг етишмаслигини қоплашга қаратилган, шу жумладан, кредит ва инвестиция дастурларини амалга оширишга ҳам қаратилган бўлади;

3. Харажатларни кечикириш бўйича облигациялар - жорий харажатлар эвазига чиқарилади, бунда харажатлар ушбу облигациялар тўлаш муддатига қолдирилади ва маблағлар билвосита жалб қилинади.

Давлат облигацияларини чиқариш учун масъул бўлган Молия вазирлиги ва Япония банки облигацияларнинг мамлакат тармоқлари ва худудлари бўйича бир хил тақсимланишини ҳамда қарз тузилмасининг барқарорлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Шу билан бирга, Марказий банк давлат облигацияларини “ўз-ўзидан сотиб олиш” ҳуқуқига эга бўлиб, шу орқали қарзлар таркибини тартибга солади.

Японияда давлат қарзини бошқариш усуслари орасида қўйидагилар кенг тарқалган: қайта молиялаштириш, консолидация, конверсия, шунингдек, монетизация (хукумат номидан янги давлат облигацияларини маҳаллий валютада чиқариш<sup>2</sup>).

Умуман олганда, давлат қарзининг ўсишига қарамай, Япониянинг молиявий-иқтисодий тизими барқарорлик билан ажralиб туради, бу қўйидаги омиллар билан боғлиқ: мамлакатнинг муҳим олтин-валюта захиралари; фуқароларнинг шахсий жамғармаларининг юқори даражаси; имтиёзли мамлакат резидентлари томонидан давлат облигацияларига эгалик қилиши (95%); давлат қимматли қоғозларини юридик шахслар томонидан сотиб олишдаги барқарор қизиқишлар. Япония банкининг давлат қарзининг мамлакат

<sup>1</sup> <https://svspb.net/danmark/vneshnjij-dolg-stran.php>

<sup>2</sup> Ноздрева Р.Б. Государственный долг Японии: анализ особенностей и оценка перспектив // Вестник МГИМО-Университета. 2019. № 12(5). С. 114-133.

иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсирини сезиларли даражада юмшатган сиёсатини ҳам муваффақиятли деб аташ мумкин.

АҚШда ҳам, Япониядаги сингари кўп йиллар давомида давлат қарзининг ўсиши кузатилмоқда, гарчи давлат қарзини бошқаришда қарз лимитини қонуний белгилаш каби восита узок вақтдан бери қўлланилиб келинади. Бироқ, Кўшма Штатларда давлат қарзини бошқариш, Япониядан фарқли ўлароқ, узок муддатли истиқболда бюджетни молиялаштиришнинг энг паст харажатларини таъминлашга қаратилган.

АҚШда давлат қарзи бўйича Молия вазирлигининг маҳсус бюроси шаклида мустақил давлат қарзини бошқариш органини ташкил этиш амалиётидан фойдаланилади.

АҚШ қарз сиёсатининг асосий воситалари:

- янги қимматли қофозларни жорий этиш ва уларнинг таркибига ўзгартиришлар киритиш;

- кредитларни жойлаштириш тартиби ва механизмларини ўзгартириш;

- очик бозорда операциялар<sup>1</sup>

АҚШ қарз воситалари бозорида давлат облигацияларининг қуидаги тоифалари қўлланилади:

- умумий ривожланиши молиялаштириш мақсадида чиқарилган, тўловлари солиқ тушумлари билан кафолатланган умумий облигациялар;

- молиялаштириш мақсадида чиқарилган даромадли облигациялар муайян лойихалар, тўловлар лойиха даромадига боғлик бўлади.

Ғазна қимматли қофозларининг асосий эгаси АҚШ Федерал заҳира тизими (ФЗТ) ҳисобланади, аммо ФЗТнинг давлат қарзларини таъминлашдаги роли ғазначилик қимматли қофозларини тўғридан-тўғри сотиб олиш билан чекланиб қолмасдан, балки АҚШнинг бошқа иқтисодий субъектлари томонидан бундай харидлар учун шароит яратиш билан ҳам шуғулланади. Шу билан бирга ФЗТ, миллий ички қарзни бошқаришнинг ихтиёрий мажбурий усууларидан фойдаланган ҳолда, тўғридан-тўғри ёки билвосита АҚШнинг барча Ғазначилик қимматли қофозларининг 35-40 фоизини сотиб олишни таъминлайди<sup>2</sup>. АҚШ давлат қарзларини бошқаришнинг афзаллик томони шундаки, ғазга қимматли қофозлари доимо жаҳон бозорида жойлаштирилади, ва бу шуни англатадики, хукумат томонидан таклиф қилинган ҳар қандай миқдор энг қулай нархда жойлаштирилади. Валюта хатарлари минималлаштирилади (чунки қарз олиш ҳар доим АҚШ долларида амалга оширилади), ликвидлик хавфи, узайтириш хавфи қисман қарз берувчига ўтади (жуда кўп миқдордаги қимматли қофозлар аллақачон муомалага чиқарилган, шунинг учун кредиторлар учун қарз олувчига қарзни тўламасликка рухсат беришдан кўра, янги кредит учун маблағ бериш фойдалироқдир<sup>3</sup>.) Ғазначилик қарзининг юқори даражасига қарамай, қарз инқирози АҚШ иқтисодиётiga катта таҳдид солмайди, чунки мамлакатнинг давлат қарзи штатларнинг иқтисодий салоҳияти ва давлат облигацияларига бўлган юқори глобал талаб билан 100% кафолатланган. Шу билан бирга, давлат қарзи миқдорини тартибга солувчи амалдаги хуқуқий нормалар чет элдан янги қарзларни истисно қиласди, Кўшма Штатларнинг кўплаб ички муаммоларини ҳал қилишнинг ягона ечими Конгресс фаол қаршилик кўрсатадиган солиқ юкининг ўсиши бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, сўнгги йилларда дунёning икки юзга яқин мамлакати ташқи молиялаштиришнинг глобал тизимига жалб қилинди. Бу ҳолатда асосий қарздорлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган давлатлардир. Бироқ, уларнинг кўпчилигига ташқи қарзлар ўз миллий ишлаб

<sup>1</sup> Гиндес Е.Г., Буценко И.Н. Мировой опыт управления государственным долгом // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2019. Т. 8. № 1 (26). С. 123-128.

<sup>2</sup> Цареградская Ю.К. Правовое регулирование государственного долга России как института в системе финансового права: дис. ... д-ра юр. наук: 12.00.04 / Цареградская Юлия Константиновна; [Место защиты: Моск. гос. юрид. акад. им. О.Е. Кутафина]. М., 2016. 437 с

<sup>3</sup> Филина С.Ю. Управление государственными заимствованиями: зарубежная практика // Финансовый журнал. 2016. № 3. С. 89-97.

чиқаришнинг ўсишига қаратилган. Шу билан бирга, улар “муаммоли” қарздорлари деб хисобланмайди, чунки улар хом ашёдан эмас, балки тайёр маҳсулотдан даромад олишади.

Юқорида АҚШ ва Япония каби дунёning йирик ривожланган мамлакатларнинг давлат ташқи қарзларини бошқаришларида фойдаланадиган усул воситаларини кўриб чиқилди. Уладан фарқли ўлароқ ҳам бошқа давлат ташқи қарзини бошқаришнинг турли усул ва воситалари мавжуд. Улардан баъзилари:

Ташқи иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш ва прогнозлаш: бу глобал иқтисодий тенденциялар, жаҳон товарлари нархлари, валюта курслари ва давлатнинг ташқи қарзига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа омилларни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Қарз таркибини танлаш ва оптималлаштириш: давлатлар ташқи қарзлари таркибини бошқариш учун облигациялар, кредитлар, своплар ва бошқалар каби турли хил воситалардан фойдаланишлари мумкин. Қарз тузилмасини оптималлаштириш давлатларга қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришга ёрдам беради.

Хатарларни бошқариш: давлатлар ташқи қарз билан боғлиқ хатарларни бошқариш учун молиявий деривативлар каби турли хил воситалардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, давлатлар валюта курсларининг ўзгаришидан ҳимоя қилиш учун валюта свопларидан фойдаланишлари мумкин.

Кредиторлар билан ўзаро муносабатлар: давлатлар кредит шартларини қайта кўриб чиқиш, қарзни қайта тузиш ёки кечиктирилган тўловларни олиш учун кредиторлар билан ўзаро алокада бўлишлари мумкин. Бу давлатларга ташқи қарзларини бошқариш ва молиявий харажатларини камайтиришга ёрдам беради.

Инвестицияларни жалб қилиш: давлатлар ташқи қарзга боғлиқлигини камайтириш учун чет елдан инвестицияларни жалб қилишлари мумкин. Масалан, давлатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишлари мумкин.

Ички капитал бозорининг ривожланиши: давлатлар хорижий кредиторларга қарамликни камайтириш учун ички капитал бозорини ривожлантириши мумкин. Масалан, давлатлар мамлакат ичида молиялаштириш имкониятини таъминлаш учун маҳаллий акциялар ва пул бозорларини ривожлантиришни рағбатлантириши мумкин.

Ушбу усуллар ва воситалар давлатларга ташқи қарзларини бошқариш ва молиявий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Бироқ, ҳар бир усул ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга ва ташқи қарзни самарали бошқаришга комплекс ёндашувни ва турли воситалардан мувозанатли фойдаланишни талаб қиласди.

Ушбу келтириб ўтилган усул ва вотиларининг ҳам ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд бўлиб кейинги ўринларда улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

**Облигациялар:** облигациялар давлатнинг ташқи қарзини бошқаришнинг енг кенг тарқалган воситасидир. Афзалликларига юқори ликвидлик, бир вақтнинг ўзида катта микдордаги пулни жалб қилиш қобилияти ва узок муддатли тўлов муддати киради. Камчиликлари қарзга хизмат кўрсатишнинг юқори нархини, шунингдек молиявий инқироз ва дефолт хавфини ўз ичига олиши мумкин.


**Кредитлар:** кредитлар давлатларга облигациялар чиқаришга қараганда паст фоиз ставкасида молиялаштириш имкониятини беради. Кредитлар, шунингдек, мослашувчан тўлов шартларини ва келажакда қўшимча молиялаштириш имкониятини бериши мумкин. Камчиликларга қарзга берувчиларга боғлиқлик, қарзга хизмат кўрсатишнинг юқори харажатлари ва кредит шартларининг ўзгариши хавфи киради.

**Своплар:** своплар давлатларга валюта курслари ва фоиз ставкаларининг ўзгаришидан ўзларини ҳимоя қилишга имкон беради. Своплар, шунингдек, давлатларга облигациялар чиқаришга қараганда паст фоиз ставкаларига кириш имкониятини бериши мумкин. Камчиликлари қарзга хизмат кўрсатишнинг юқори нархини ва тўғри алмаштириш воситасини танлаш қийинлигини ўз ичига олиши мумкин.

Қарз қайта қуриш: қарз қайта қуриш давлатлар, уларнинг қарз хизмат харажатларини камайтириш муддатларини қайта режалаштириш, ёки фоиз тўловлари шартларини

ўзгартериши ёрдам бериши мумкин. Камчиликлар кредиторларнинг ишончини йўқотиш, келажақдаги кредитлар нархининг ошиши ва янги молиявий инқироз хавфини ўз ичига олиши мумкин.

Инвестицияларни жалб қилиш: тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш давлатларга ташки қарзга боғлиқликни камайтиришга ва иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради. Имтиёзлар инвестициялар натижасида ўтказилиши мумкин бўлган қўшимча ресурслар, технологиялар ва билимларни ўз ичига олади. Камчиликлари иқтисодиётнинг асосий тармоқлари устидан назоратни йўқотиш ва хорижий инвесторлар билан сиёсий можаролар хавфини ўз ичига олиши мумкин.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида ташки қарзни боشكаришнинг концептуал модели<sup>1</sup>

<sup>1</sup> муаллиф томонидан тузилган


Бу давлатнинг ташқи қарзини бошқариш учун турли хил воситаларнинг афзалликлари ва камчиликлариiga бир нечта мисоллар. Ҳар бир восита ўзига хос хусусиятларга ега ва унинг самарадорлиги давлат олдида турган аниқ шартлар ва вазифаларга боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ташқи қарзни бошқариш воситаларини танлаш муайян вазиятни таҳлил қилиш ва ҳар бир воситанинг хатарлари ва фойдаларини баҳолашга асосланган бўлиши керак.

Шу ўринда энди Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзларига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи қолдиги 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 26,3 млрд. АҚШ долларни (шундан, давлат ташқи қарзи – 23,6 млрд. АҚШ долл., давлат ички қарзи – 2,7 млрд. АҚШ долл.) ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 38,0 фоизни ташкил этди. Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатлар иқтисодиётига бағишлиланган ҳисботига кўра, Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи бугунги кунда “мўътадил” даражада ҳисобланишини эътироф этиб ўтган. Давлат ташқи қарзи 23,6 млрд АҚШ долларини, ЯИМга нисбатан 34,0% ташкил қилмоқда.

2021 йилдан ички мажбуриятлар бўйича давлат кафолатларини бериш амалиёти тўхтатилди ҳамда давлат корхоналари ва банклари ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун, трансформация жараёнларига мувофиқ, жаҳон молия бозорларида давлат кафолатисиз маблағ жалб қилишга ўтказилмоқда. Хусусан, давлат корхоналари ва банклари томонидан халқаро меъёрлар ва талаблар асосида ўз молиявий ҳисботларининг шаффофлигини таъминлаш, “Fitch”, “S&P” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентниклари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда халқаро кредит рейтингини олиниши натижасида 2019-2021 йилларда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Миллий банк” АЖ, “Ипотека банк” АТИБ, “ЎзАвто Моторс” АЖ ва “ЎзНефтегаз” АЖ томонидан умумий ҳажми қарийб 2 млрд. АҚШ долларлик маблағлар халқаро облигациялар чиқариш орқали жаҳон бозоридан жалб қилинди.

Бу борада 2022 йил якуни бўйича давлат ташқи қарзи 23,6 миллиард АҚШ доллари (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 34%) микдорида прогноз қилинаётгани, шундан 17 миллиарди Ўзбекистон Республикаси номидан ва 6,5 миллиарди давлат кафолати остида жалб қилинган. Ушбу кўрсаткичлар олдинги йиллар билан таққосланса, 2020 йилда давлат ташқи қарзи 39 фоиз, 2021 йил якунига 38 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

Ҳар қандай давлат учун давлат қарзини бошқариш жараёни бир-бирига боғлиқ бўлган бир катор элементларни ўз ичига олган мураккаб механизmdir. Давлат қарзини бошқариш механизми кўйидаги расмда келтирилган. Ушбу келтирилган схемани Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзларини бошқариш учун таклиф сифатида ишлаб чиқилди.



**4-расм. Давлат ташқи қарзи иқтисодиёт тармоқлари кесимида тақсимланиши (млрд. \$)<sup>1</sup>**

Давлат қарзларининг бетартиб ошиб бориши иқтисодиёт учун хатарларни вужудга келтиради ва мамлакат иқтисодиётининг кредитлаш ҳисобига юқори ўсиш суръатлари

<sup>1</sup> <https://www.imv.uz/en/homeActivity/davlat-qarzi>

активлар сифатининг ёмонлашуви ва банкларнинг ташқи молиялаштириш манбаларига қарамлигининг кучайиши каби рискларни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб янги жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи миқдорларини қонуний чегаралаш амалиёти йўлга қўйилган. 2022 йил учун Ўзбекистон хукумати номидан ва Ўзбекистоннинг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд. АҚШдоллари, Ўзбекистон номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6,0 трлн. сўм миқдорида белгиланган.

Кўплаб халқаро рейтинг агентликларининг, жумладан Fitch Ratings агентлигининг қайд этишича, пандемиядан кейинги даврда қарзлар бўйича мақсадли чегараларга риоя қилиш амалиётининг шаклланиши вабюджет консолидациясининг барқарор стратегиясини амалга ошириш давлат молияларини асосий қулай рейтинг омиллари сифатида сақлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этади

### **Хулоса ва таклифлар**

Келажакда мамлакатнинг давлат ташқи қарзи ҳажмини прогноз қилишда шуни таъкидлаш керакки, аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг қарзлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси қарзидан бирмучна юқори. Ижобий омил сифатида шуни айтишимиз мумкинки, дунёning ривожланаётган мамлакатлари билан таққослаганда, Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзлари ҳажми пастлигини ҳам муҳим бир омил сифатида таъкидлаб ўтиш лозим. Яна бир омил сифатида айтишимиз мумкинки, ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти дефолт билан тўқнашиши эҳтимоли анчагина паст.

Давлат ташқи қарзи дунёдаги ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти учун мутлақо табиий ҳодисадир. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ушбу ҳодисадан келиб чиқадиган таҳдидлар, биринчи навбатда, қарз сиёсатини амалга ошириш сифати ва умуман давлат ташқи қарзини назорат қилиш билан боғлиқ.

Карз сиёсатининг йўналиши қўйидагиларга қаратилиши керак:

- бюджет тақчиллигини қоплаш манбаи сифатида инвестиция бозорини ривожлантириш;
- давлат қарзини иқтисодиёт учун хавфсиз даражада сақлаш;
- мамлакатнинг асосий иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган миқдорда қарз олиш қобилиятини таъминлаш;
- мамлакат рейтингини яхшилаш.

Кейинги ўринларда ривожланган мамлакатлар давлат ташқи қарзининг бошқарилиши бўйича мамлакатимизда қўлланилиши мумкин бўлган сиёсати ва тажрибалари бўйича ҳам қўйидаги давлатларнинг тажрибаларини кўриб ўтишимиз мумкин. Япония банкининг давлат қарзларини бошқариш сиёсати Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин. Бундай сиёсат асосан давлат ташқи қарзи миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсирини камайтиради. АҚШ тажрибаси мамлакатимиз учун фазначилик (Молия ва Иқтисодиёт вазирлиги)таркибида ва назорати остида давлат қарзларини бошқариш бўйича маҳсус агентлик даражасидаги органни яратиш фойдали бўлади.

Юқорида мамлакатларнинг давлат ташқи қарзларини бошқаришларида фойдаланадиган усул воситаларини кўриб чиқдик ва уларнинг ютуқ ва камчиликларини келтириб ўтилди. Ва хулоса ўрнида давлатга ташқи қарзини камайтиришга ёрдам берадиган бир нечта стратегияларни ҳам тавсия сифатида келтриб ўтмоқчимиз. Кўйида улардан баъзилари:

Иқтисодий ўсиш: иқтисодий ўсиш давлатга миллий даромадини оширишга ва ташқи молиялаштиришга боғлиқликни камайтиришга ёрдам беради. Ушбу мақсадга еришиш учун давлатлар инфратузилма, таълим, фан ва технологияларга сармоя киритиш каби иқтисодиётни рағбатлантириш чораларини кўришлари тавсия этилади.

Бюджет тақчиллигини камайтириш: бюджет тақчиллиги давлатнинг ташқи қарзининг ўсишининг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин. Бюджет тақчиллигини камайтириш

давлатга қарзни тўлаш харажатларини камайтириш орқали ташки қарзини камайтиришга ёрдам беради.

Савдо балансини яхшилаш: савдо балансини яхшилаш давлатга ташки молиялаштиришга боғлиқлигини камайтиришга ва ташки қарзини камайтиришга ёрдам беради. Бунинг учун давлатлар экспортни рафбатлантириши, импортни камайтириши, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишлари керак бўлади.

Кредит рейтингини яхшилаш: кредит рейтингини яхшилаш хукуматга қарзни тўлаш харажатларини камайтиришга ва кўпроқ инвесторларни жалб қилишга ёрдам беради. Бунинг учун давлатлар иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши, давлат молиясини бошқаришни яхшилаши, бюджет тақчиллигини камайтириши керак бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Philippe Aghion, David Hemous, Enisse Kharroubi., "Credit Constraints, Cyclical Fiscal Policy and Industry Growth"., March 2009., pages 89-94.
2. Craig Burnside, Martin S Eichenbaum, Sergio Rebelo., "Prospective Deficits and the Asian Currency Crisis" Journal of Political Economy 109(6):1155-1197., February 2001.
3. Richard Hemming, Michael Kell, and Axel Schimmelpfennig., "Fiscal vulnerability and financial crises in emerging market economies"., Washington, D.C. : International Monetary Fund, 2003.
4. Levine, R. (2005). Finance and Growth: Theory and Evidence. Handbook of Economic Growth, 1, 865-934.
5. Alfaro, Laura & Chanda, Areendam & Kalemli-Ozcan, Sebnem & Sayek, Selin, 2004. "FDI and economic growth: the role of local financial markets," Journal of International Economics, Elsevier, vol. 64(1), pages 89-112, October.
6. Ayhan Kose, Eswar Prasad and Marco Terrones., "Does openness to international financial flows raise productivity growth?., Journal of International Money and Finance, 2009, vol. 28, issue 4, 554-580
7. Borensztein, E. & De Gregorio, J. & Lee, J-W., 1998. "How does foreign direct investment affect economic growth?1," Journal of International Economics, Elsevier, vol. 45(1), pages 115-135, June.
8. Ноздрева Р.Б. Государственный долг Японии: анализ особенностей и оценка перспектив // Вестник МГИМО-Университета. 2019. № 12(5). С. 114-133.
9. Филина С.Ю. Управление государственными заемствованиями: зарубежная практика // Финансовый журнал. 2016. № 3. С. 89-97.
10. Цареградская Ю.К. Правовое регулирование государственного долга России. // Central Russian Journal of Social Sciences // volum 10 issue 6 2015 // pages 226-230.
11. Гиндес Е.Г., Буценко И.Н. Мировой опыт управления государственным долгом // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2019. Т. 8. № 1 (26). С. 123-128.
12. Фозилчаев Ш.К. Ўзбекистонда давлат қарзларни бошқаришнинг долгзарб масалалари // "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842., May 2022 / Volume 3 Issue 5., pages 74-78.
13. <https://www.imf.org/ru/Blogs/Articles/2021/12/15/blog-global-debt-reaches-a-record-226-trillion>
14. <https://svspb.net/danmark/vneshnij-dolg-stran.php>
15. <https://svspb.net/danmark/vneshnij-dolg-stran.php>
16. <https://www.investopedia.com/terms/s/sovereign-debt-restructuring.asp>